



## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ ИНСПЕКТОРИНИНГ ҚАРОРИ**

### **Хорижий давлатлардан давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни олиб кирилишини вақтинча чеклаш тўғрисида**

Бугунги кунда мавжуд маълумотларга кўра дунё мамлакатларида куруқ сут ва куруқ сут зардобини лаборатория текширувлари таҳлиллари натижасига кўра белгиланган стандартларга номувофиқлиги қайд этилаётганлиги, бу эса аҳолини ҳайвонлар ва одам учун умумий бўлган касалликлардан муҳофаза қилишда жиддий хавф туғдиришни инобатга олган ҳолда аксарият хорижий давлатларнинг ваколатли органлари томонидан куруқ сут ва куруқ сут зардобинининг импортига ва уларни озиқ-овқат маҳсулотларида фойдаланишга чекловлар ўрнатилмоқда.

Жумладан, Россия Федерацияси ветеринария ва фитосанитария федерал хизмати томонидан Россиянинг “Саратовский молочный комбинат” маъсулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилган сут маҳсулотлари таркибида қолдиқ антибиотиклар аниқланганлиги ва вақтинча чеклов ўрнатилганлиги қайд қилинган.

Шунингдек, Республика ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат маркази томонидан ўтказилган лаборатория таҳлилларига мувофиқ (2023 йил 4 декабрдаги №25/1-122-сонли хулоса) импорт қилинган бир қатор ёғсизлантирилган куруқ сут маҳсулотлари бир нечта кўрсаткичлар бўйича меъерий ҳужжатлар талабларига номувофиқлиги аниқланди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 24 ноябрдаги №04-01-142-сонли баённомаси топшириғи ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Ветеринария тўғрисида”ги қонуни 2, 24-моддаларига ва Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 10 апрелдаги 148-сон қарорига мувофиқ мамлакатимиз ҳудудини четдан ҳайвонлар юкумли касалликлари кириб келишидан муҳофаза қилиш, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош давлат ветеринария инспектори

#### **Қарор қилади:**

1. Хорижий давлатлардан куруқ сут ва куруқ сут зардобини Ўзбекистон Республикасига олиб киришга (халқаро транзит бундан мустасно) вақтинча чеклов ўрнатилсин ва тегишли ветеринария ҳужжатларини расмийлаштирилиши тўхтатилсин.

2. Қарор қабул қилингунга қадар хорижий давлатларнинг ваколатли органи томонидан белгиланган тартибда расмийлаштирилган тегишли ветеринария сертификатларига мувофиқ тегишли рухсатномага асосан ветеринария ҳужжатларини расмийлаштириш амалга оширилиши белгилансин.

3. Сут ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормалари талабларини бузилишига йўл қўйган Россия Федерациясининг “Саратовский молочный комбинат” маъсулияти чекланган жамиятидан республикамиз ҳудудига сут ва сут маҳсулотларини олиб киришига вақтинча чеклов жорий қилинсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда Давлат чегараси ва транспортдаги Бош давлат ветеринария инспекторлари:

хорижий давлатлардан қуруқ сут ва қуруқ сут зардобини импорт қилиниши устидан қатъий назорат ўрнатилсин ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга кенг қамровли тушунтириш ишлари олиб борилсин.

5. Давлат чегараси ва транспортдаги давлат ветеринария назорати бошқармаси (Б.Рўзибоев):

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 июлдаги 474-сон қарори билан тасдиқланган Сут ва сут маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентга мувофиқ хорижий давлатлардан олиб кириладиган сут ва сут маҳсулотларини лаборатория текширувлари ўтказилгандан кейин белгиланган тартибда ветеринария ҳужжатларини расмийлаштириш белгилаб қўйилсин.

6. Ишлар бошқармаси (У.Исмаев) мазкур қарорни давлат ветеринария хизмати тизимидаги барча орган ва муассасалар, тегишли вазирлик ва идоралар, корхона ҳамда ташкилотлар, шунингдек мулкчилик шаклидан қатъий назар барча турдаги юридик ва жисмоний шахсларга етказилсин.

7. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

8. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош давлат ветеринария инспектори ўринбосари А.Ақбаров зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Бош давлат ветеринария**  
**инспектори**



**Б.Норқобилов**

Тошкент ш.,  
2023 йил “06” декабр  
01/19-10 сон